ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi — www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 20-IYUL, JUMA, 86 (8011) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Тажрибалардан маълум бўлдики, зайтун ўсимлиги тупроқ ва жой танламас экан. Ўсимликни ҳатто лалми майдонларда ҳам бемалол ўстириш мумкин. Ўзбекистон зайтун етиштириш имкони бўлган энг ёш мамлакатлардан бири. Айни пайтда Сурхондарё вилоятида 20 минг туп, Андижон ва Фарғона вилоятларида 2,5 минг тупдан зиёд зайтун кўчати парвариш қилинмоқда.

Жорий йилда деҳқончилигимиз тарихида илгари учрамаган юксак кўрсаткичлар — юқори ҳосилдорлик барчамизда ҳайрат ва ҳавас уйғотди. Баъзи фермер хўжаликлари ғаллачиликда 100 центнергача ҳосил олишди. Албатта, бу ҳам фермерлик ҳаракатига қаратилган эътиборнинг натижаси эди.

"Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқаришга, молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Жорий йилда тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида битирувчиларга 5,4 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

«АФРОСИЁБ» БИЛАН — ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Кейинги икки йилни хорижда ўтказган дўстим яқинда қайтиб келди. Чет элдаги ўқиши, ўша мамлакат халқининг урф-одатлари, турмуш тарзи ҳақида сўзлаб берди. Аммо унинг асосий ҳайрату ҳаваси юртимиздаги ўзгариш ва янгиланишлардан эканини яширмади.

– Бу ерда яшаб турган одам ҳар кунги ўзгаришларни кўравериб, кўпинча уларнинг аҳамиятига эътибор бермайди, – дейди у. – Чунки бундай ўзгаришларга одамнинг ўзи ҳам, кўзи ҳам ўрганиб қолади. Четдан келиб кўрсанг, бу – бошқа гап. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, ўтган икки йил давомида Тошкент ҳам, Самарқанд ҳам бутунлай ўзгариб, замонавий мегаполисга айланибди. Айниқса, бу икки азим шаҳарни бир-бири билан боғловчи «Афросиёб» тезюрар электропоезди қатновининг йўлга қўйилгани чиндан ҳам оламшумул иш бўлибди. Вокзалдаги шарт-шароит ва имкониятлар, поезд ичидаги юқори сифатли сервис, йўловчиларнинг маданияти бизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаётганимизни кўрсатади. Бир олам қувонч ва фахр билан қисқа вақт ичида пойтахтдан Самарқандга етиб келганимизни ҳам сезмай қолибман.

Чиндан ҳам Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида Испаниядан келтирилган «Talgo-250» русумидаги тезюрар «Афросиёб» электропоезди қатновининг йўлга қўйилиши мамлакатимиз темир йўл тизимида янги саҳифа очди. Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи, халқимизга кўрсатилаётган хизмат сифатининг жаҳон андозалари даражасига кўтарилаётганининг яққол тасдиғи бўлди.

Бу йўналишдаги ислоҳотлар самараси бундан аввал юртимизнинг турли ҳудудларида янги темир йўл тармоқларининг бунёд этилиши ва мавжудларининг реконструкция қилинишида, пойтахтимиз билан Самарқанд, Бухоро, Қарши шаҳарлари ўртасида тезюрар «Регистон», «Шарқ», «Насаф» электропоездлари қатнай бошлаганида намоён бўлганди. Натижада темир йўлларда юк ва йўловчи ташиш поездларининг хавфсиз ва бир маромда ҳаракатланиши таъминланган, мавжуд масофани босиб ўтиш муддати аввалгидан анча қисқарган эди.

Юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» электропоезди қатновининг йўлга қўйилишига пухта тайёргарлик кўрилди. Бу борадаги ишлар янги лойиҳа ва техник талаблар асосида амалга оширилди. Тошкент – Самарқанд йўналишида темир йўл инфраструктураси такомиллаштирилиб, электр, сигнализация ва телекоммуникация тизимлари модернизация қилинди. 600 километр темир йўл масофаси қайта тикланди, 68 километр янги темир йўл қурилди. Станциялар, темир йўлни кесиб ўтиш жойларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, кейинги йилларда Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш йўлидан изчил олға силжиш борасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди.

2011-2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар миқёсини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш доирасида фақатгина сўнгги йилнинг ўзида тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт товарларини божхонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари сезиларли даражада соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида солиққа оид режали текширишлар ўтказилишини тақиқловчи тартиб жорий этилди. Давлат томонидан харид қилишнинг янги янада такомиллаштирилган, очиқ ва ошкора механизми ўрнатилганки, бунда кичик бизнес субъектларига афзаллик берилади. Барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ ва молиявий ҳисоботларни топшириш-нинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказиш бошланди.

Республика ва минтақалар бўйича **иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш кўламларини, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чоракда баҳолаш кўрсаткичлари тизими жорий этилган.**

Натижада, 2000 йил билан таққослаганда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54 фоизгача кўпайди, ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони шу даврда ичида 2 баробардан кўпроқ ошди ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат билан банд бўлганларнинг 75,1 фоизидан кўпроғи унинг улушига тўғри келади. Ҳозирги вақтда ялпи ички маҳсулотнинг 82,5 фоизи, саноат маҳсулотининг 91 фоизи ва қишлоқ хўжалигининг деярли барча маҳсулоти нодавлат секторида ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, **ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари** эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умум қабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос келаётгани йўқ. Тадбиркорлик фаолиятини ортиқча регламентлар билан чеклаб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам бартараф этилмаган, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида катта, серхаражат, ноошкора маъмурий тартиб-таомиллар ҳамон амал қилиб келмоқда, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам берилмаган.

(Давоми 2-саҳифада)

Фўза парваришида муҳим давр

БЎЙИ ЭМАС, КЎСАГИ КЎЗНИ ҚУВОНТИРСИН

Ўз инжиқликлари билан баъзи йиллар деҳқонларимизнинг иродасини, бардошини синовдан ўтказадиган табиат бу йил бир қадар танти келди. Эрта баҳордан то бугунгача қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, ғўза учун қулай об-ҳаво шароити кузатилди. Бундай қут-баракали келган йилдан омилкорлик билан фойдаланган деҳқонлар далаларида мўл ҳосил тўпланмоқда. Аммо бу ҳали хотиржамликка берилиш учун етарли эмас. Боиси, ҳали олдинда пахтачиликда ҳосил тақдири ҳал бўладиган палла — август ойи бор. Бу вақтда қилинган меҳнат яратилажак ҳосил салмоғини оширади. Шу пайтдаги озгина эътиборсизлик эса ҳосилни йўқотиб қўйишга олиб келиши ҳам мумкин.

Ҳа, пахтакорларимизни август ойининг синовлари кутиб турибди. Бу синовлар шуки, бу даврда об-ҳаво жуда исиб кетиши, гармсел эсиши каби табиат инжиқликлари бўлиши мумкин. Ўргимчаккана, кўсак қурти каби зараркунандалар авж олади. Экин парваришидаги агротехник тадбирларнинг оби-тобида ўтказилмаслиги эса, яна бир бор қайд этамизки, тўпланган ҳосилга салбий таъсир кўрсатади.

Деҳқонларимиз орасида йил-йилга ўхшамайди, деган гап бор. Тажрибаларга таяниб айтсак, табиий шарт-шароит, об-ҳаво ғўзани ҳар йили ўзига хос усулда парваришлашни талаб этади. Бунда эса деҳқон тажрибаси ўз сўзини айтади.

Эътибор берган бўлсангиз, бу йил далалардаги баъзи ғўза кўчатларининг бўйи меъёридан анча паст бўлишига қарамасдан, ҳосил нишоналари сони 8-10 тани ташкил қилмоқда. Энг асосийси, уларнинг аксарияти тўлиқ кўсаклардир. Меъёрида бўй кўрсатган кўчатларда эса ҳосил элементлари янада кўп. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бу йилги об-ҳаво ғўза экинлари ривожи ва ҳосил тўпланиши учун жуда қулай келди.

Баъзи фермер хўжаликлари раҳбарлари билан ҳамсуҳбат бўлганимизда ғўзани чилпиш тадбирлари бироз эрта ўтказилганини таъкидлашди. Аслида ундай эмас. Бу йилги шароитда ғўза бўйини ўстиришга ҳаракат қилиш унчалик ҳам самара бермайди. Чунки экин пастки қисмида етарли ва эртанги ҳосил нишоналарини тўплаган. Ғўзанинг ўсиб кетиши айнан шу ҳосилга путур етказиши мумкин.

Хўш, жорий деҳқончилик йилида август ойида қилинадиган ишлар, ўтказиладиган агротехник тадбирлар нималардан иборат бўлиши керак?

Аввало, ҳар бир экин еридаги ғўзанинг ҳолатини аниқлаш зарур. Бунинг учун эса тажрибали деҳқон мутахассис ҳамроҳлигида куннинг иссиқ пайтида даладан кўндаланг юриб ўтиш зарур. Айнан шу паллада ғўза нимага эҳтиёж сезаётгани маълум бўлади. Шунга қараб зарур агротехник тадбирларни белгилаш мумкин.

Ғўза қатор ораларига чуқур ишлов бериш унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Экин илдизига шикаст етказмасдан, тупроқнинг юза қисмини майинлаштириб, намликни сақлаш анча фойдали ҳисобланади. Тракторларнинг ишчи органларини балиқ сирти қилиб ўраш эса ғўза қатор ораларида ҳаво алмашинувини таъминлашда, ҳосил элементларига салбий таъсир кўрсатмасликда қўл келади. Ишловни куннинг иссиқ вақтида, паст тезликда ўтказган маъқул.

Суғориш эса ҳосилни саранжомлаб олиш мавсумигача давом этадиган тадбир. Аммо бу йилги шароитда экинларни унча кўп бўлмаган миқдорда (гектарига 800 метр куб), фақат "шарбат" усулида суғориш яхши самара беради. Натижада ер унумдор, ҳосил салмоқли, энг асосийси, ғўза экинлари гармсел ва зараркунандаларга анча бардошли бўлади.

Мазкур ойнинг келаётган ўн кунлигида ҳамда ҳосилга ҳосил қўшиладиган август ойида қилинган меҳнат кўзланган ҳосилни олиш, юксак хирмон яратишда муҳим омил бўлади.

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ,
Бухоро туманидаги "Маданият Муҳаммад Исмат" фермер хўжалиги раҳбари.

Қашқадарё Вилояти

Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!»

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан кўрик-танлов қатнашчилари дастурларининг мазмунига, долзарблиги, ижро маҳорати ва саҳна либосларига қараб баҳоланди. Якуний натижаларга кўра, Қарши шаҳридан Жаҳонгир Турсунов И.Мирзо сўзи Ё.Бозоров мусиқаси билан айтилган "Ягонасан" қўшиғи билан биринчи ўринни қўлга киритди. Қамаши туманидан келган Ойбек Бердиевнинг А.Боймурод сўзи, А.Ҳасанов мусиқаси билан куйланган "Ватан" қўшиғи иккинчи, китоблик Низомиддин Кўчқоровнинг Х.Қурбонов сўзи, Р.Муҳаммадиев мусиқаси билан ижро этилган "Ватан" қўшиғи учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиблар ҳамда фаол иштирокчилар диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Энди улар кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этишади.

Ҳусан ТЕМИРОВ

Навоий Вилояти

▼ ТАДБИРКОРЛИК

ҚИЗИЛТЕПА ПОЙАБЗАЛЛАРИ

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Асл пойабзал» кичик корхонаси ишга туширилди.

– Президентимиз томонидан тадбиркорлар ва ҳунармандлар учун яратилган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб, «Микрокредитбанк»нинг молиявий кўмагида ушбу кичик корхона фаолиятини йўлга қўйдик, – дейди тадбиркор Мехриддин Яхшиев. – Замонавий пойабзал тикиш ускуналарини келтириб ўрнатдик. Асосан ёшлар меҳнат қилаётган корхонамизни келажакда кенгайтириш ниятидамиз.

Ҳозир корхонада Андижондан таклиф қилинган уста косиблар маҳаллий ёшларга пойабзал тикиш сирларини ўргатмоқда.

– Ҳунарли одам ҳеч қачон хор бўлмайди, – дейди иш бошқарувчи Одилжон Раҳмонов. – Маҳаллий хомашёдан ўн турда пойабзал ишлаб чиқармоқдамиз. Андозаларни ўзимиз компьютер ёрдамида яратмоқдамиз.

Юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қулай бизнес муҳитини яратиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган имтиёзли кредитлар миқдори кўпайтирилиши натижасида жорий йилнинг ўтган даврида туманда юздан зиёд хусусий корхоналар фаолият бошлади.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Ҳозирги халқаро амалиётда қабул қилинганидек, регламентга солувчи тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, арзонлаштириш ва қисқартириш, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита мулоқотсиз электрон шаклларини ҳамма жойда кенг татбиқ этиш талаб қилинади.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнеси юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида ҳамма томонидан қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Марказий банки томонидан манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда Жаҳон банки ҳамда унинг бўлинмаси бўлган Халқаро молия корпорацияси томонидан қабул қилинган "Бизнесни юритиш" ҳисоботини шакллантириш методикасига мувофиқ ишбилармонлик муҳити ҳолатини омиллар асосида таҳлил қилиш ҳамда мамлакат рейтингини белгилаб берадиган баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини татбиқ этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

2. Қуйидагилар бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг ғоят муҳим вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, бюрократик ғовларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукаммаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини ошириш;

бизнеси юритиш шарт-шароитларини баҳолашнинг жаҳон амалиётида умум қабул қилинган халқаро мезонларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи халқаро молиявий-иқтисодий ва рейтинг ташкилотларининг юқори баҳо кўрсаткичларига эришиш;

ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик ва фаолиятни ташкил қилиш шаклларидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун бизнеси юритишда тенг шароитлар яратиш, бозор тамойиллари асосида моддий-хомашё ва кредит ресурсларидан фойдаланишга, давлат харидларида ҳамда маҳсулотларни сотиш ва пудрат ишларини амалга ошириш борасидаги танлов савдоларида иштирок этишга кенг имкониятлар яратиб бериш;

статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишда, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашда, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита мулоқотни, бюрократик сансалорлик ва коррупцияни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан Интернет тармоғига кенг миқёсда ўтишни таъминлаш.

3. 2012 йил 1 августдан бошлаб, 1-иловага мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, 1-иловада кўрсатилган масъул ижрочилар – вазирликлар ва идоларларнинг раҳбарлари 2012 йилнинг 1 августигача бўлган муддатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Фармоннинг ушбу бандига мувофиқ ҳолга келтирсинлар.

4. Қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул ижрочилар – вазирликлар, идоралар, банклар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дастурда назарда тутилган аниқ чора-тадбирларни белгиланган муддатларда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар. Тегишли вазирликлар, идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига чора-тадбирлар Дастурига киритилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси 2-иловада назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан қаттиқ тизимли назорат ўрнатсин, уларнинг ижросини ҳар чоракда ўз мажлисларида кўриб чиқсин ва чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қуйидаги тартиб-таомилларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар:

банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан "Интернет-банкинг" тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари;

юкларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

"бир ойна" тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш – Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси;

тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига бериш – Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатишнинг электрон шакллари ва тизимларини жорий этишда юқорида кўрсатилган суд ва давлат бошқаруви органларига, тижорат банкларига амалий ёрдам кўрсатсин.

Тижорат банкларига, тўловларни электрон шаклда амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатганлик учун ундириладиган тўлов миқдорини камида 20 фоизга камайтириш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва хусусий тадбиркорлик учун янада кенг эркинлик бериш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан кенг кўламдаги тушунтириш ишлари мунтазам равишда ўтказилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банки ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 18 июль

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси томонидан "Товарларни маркалашнинг янги тартиби: махсус идентификацион белгилар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ТОВАРЛАРНИ МАРКАЛАШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ:

МАХСУС ИДЕНТИФИКАЦИОН БЕЛГИЛАР

Унда тадбиркорлик субъектларининг кенг кўламда фаолият кўрсатишлари ва улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, контрабанда товарларини четдан келтириш ва сотишнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 декабрдаги "Истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида фикр юритилди.

Ушбу қарорга мувофиқ 2012 йил 1 январдан бошлаб четдан келтириладиган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатганлик учун ундириладиган тўлов миқдорини камида 20 фоизга камайтириш тавсия этилсин.

Ушбу чора, биринчидан, қарорда рўйхати келтирилган айрим турдаги истеъмол товарларининг ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш, уларнинг импорт ҳажмларини назорат қилиш ҳамда сохталаштирилган, шунингдек, келиб чиқиши ва олиб киришнинг легаллиги шубҳа уйғотадиган маҳсулотларнинг сотилишига йўл қўймаслик имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тартиб Ўзбекистон Республикасига 2012 йил 1 январига қадар импорт қилинган мажбурий маркаланиши лозим бўлган истеъмол товарларига нисбатан уларни 2012 йилнинг 1 июлига қадар сотиш шарти билан қўлланилмади.

Қарорда мажбурий маркировка қилиниши лозим бўлган ва четдан келтириладиган 11 турдаги истеъмол товарлари рўйхати келтирилган бўлиб, улар таркибига духовка, кондиционер, музлаткич, уй-рўзғор идишлари ва кир ювиш машиналари, принтер, чанг ютгич, электр плиталар, DVD ва мусиқа анжомлари, монитор ва телевизор каби маиший техникалар киритилган. Мабодо, рўйхатга янги истеъмол товарлари киритилса, у ҳолда ўзгартириш кучга кирган кундан бошлаб шу турдаги товарларни 180 кун муддатда маркировка қилмаган ҳолда сотишга рухсат берилади.

Жорий қилинган янги тартиб 2012 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида амалда ўзини оқлади. Кондиционерлар, идиш-товоқ ва кир ювиш машиналари, электр плиталар ва телевизорлар расмий импорти кескин ошиши натижасида давлат бюджетига қўшимча 14 миллиард сўм божхона тўловлари ундирилди.

Идентификация белгилари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ҳимоя элементлари мавжуд бўлган ва ўзи елимланадиган махсус қоғозлардан тайёрланмоқда. Идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларининг четдан келтирилишини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан, уларни сотиш ва сақлашни назорат қилиш эса Давлат солиқ қўмитаси ходимлари томонидан амалга оширилмоқда.

Истеъмол товарларини идентификация белгилари билан маркировка қилиш тўлалигича божхона органлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва истеъмол товарларини идентификация белгилари билан маркировка қилиш учун уларни импорт қилаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларидан ҳеч қандай тўловлар олинмайди. Шу сабабли, товарларнинг маркаланиши товар таннархининг ошишига олиб келмайди.

Матбуот анжуманида иштирок этган журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

«АФРОСИЁБ» БИЛАН — ТАРАҚҚИЁТ САРИ

(Боши 1-саҳифада)

Йўлнинг икки томони темир панжара ва тўсиқлар билан ўралди. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва улар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент ва Самарқанд темир йўл вокзаллари тубдан реконструкция қилинди ҳамда жаҳон андозаларига мос равишда тўлиқ жиҳозланди.

– Бундай замонавий электропоездлар дунёнинг саноқли мамлакатларидагина мавжуд, – дейди Самарқанд темир йўл вокзали директори ўринбосари Сергей Дадаев. – Бундай хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилиши темир йўл вокзаллари фаолиятини ҳам такомиллаштиришни тақозо этди. Бизнинг вокзалимизда ҳам тасдиқланган лойиҳа асосида муайян ишлар амалга оширилди. Аввало, вокзал перрони янги поездга мослаштирилиб, хавфсизлик нуқтаи назаридан зарур чора-тадбирлар кўрилди. Она ва бола, дам олиш хоналари ташкил этилди. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг белгиланган меъёрлар бўйича фаолият кўрсатиши назоратга олинди. Билет сотиш кассалари вокзал ташқарисига чиқарилди. Бу ерда йўловчиларнинг поездлар қатнови бўйича барча зарур маълумотларни олишларига имконият яратилди. Вокзал ичида ҳам тартиб-интизом кучайтирилиб, бинога киришда ҳар бир йўловчи ва унинг юкини текширувдан ўтказиш йўлга қўйилди. Шунингдек, бинодан чиқиб кетишда алоҳида йўлакдан фойдаланилади. Бундай чора-тадбирлар йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда, уларнинг замонавий темир йўл хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

«Афросиёб» бир қатор қулайлик ва афзалликлари билан қисқа вақт ичида йўловчилар ишончи ва меҳрини қозониб улгурди. Шунинг учун ҳам дастлабки вақтларда ҳафтанинг икки кунида ушбу электропоезд қатнови амалга оширилган бўлса, айни пайтда ҳар куни қатнамоқда. Май ойидан бошлаб иккинчи «Афросиёб» поезди ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари қатнай бошлади.

– Илгари Тошкентгача 7-8 соатда борганимиз учун «Регистон» поезди қатновининг йўлга қўйилиб, икки шаҳар ўртасидаги масофани 3,5 соатда босиб ўтиши ҳақида катта ҳайрат билан гапиргандик, – дейди Самарқанд давлат университети доценти Исоқхон Неъматов. – Юртимиз тараққиётининг жадаллигини қарангки, энди бу гаплар ҳам тарихга айланди. «Афросиёб» шамолдай учқур елиб, пойтахт ва Самарқандни икки ярим соатда боғлаяпти. Турли сабаблар туфайли тез-тез Тошкентга бориб тураман. Тезликнинг юқорилиги, вагонда барча қулайликларнинг яратилгани сабабли манзилга етиб келганингизни ҳам сезмай қоласиз. Фарзанду набираларим, шогирдларга бу поезд бизнинг йигирма бир йилда эришган кўплаб ютуқларимиздан бири, тараққиётимизнинг ўзига хос тимсоли, дейман.

Маълумотларга кўра, «Афросиёб» қатнай бошлагач, йўловчилар сони ўтган йилнинг биринчи ярим йиллиги билан қиёслаганда, қирқ фоизга ошган. Айниқса, поезддан фойдаланувчи хорижлик сайёҳлар сафи кенгайиб бормоқда.

– Поезд қатновининг эрталаб ва кечқурун амалга оширилиши шаҳримизга бир кунлик саёҳатга келувчилар учун ҳам жуда қулай бўлди, – дейди Самарқанд шаҳридаги «Zamin travel» сайёҳлик фирмаси гид-таржимони Дилшод Боймуродов. – Эрталаб Тошкентдан йўлга чиққан сайёҳ қисқа вақтда Самарқандга келиб, тарихий обидалар ва диққатга сазовор жойларни томоша қилиши ва шу поездда кечқурун пойтахтга қайтиб кетиши мумкин. Бир неча кунга келадиган туристлар ҳам илгари самолёт ёки автобус, микроавтобуслардан фойдаланган бўлса, ҳозир фақат «Афросиёб»ни афзал билмоқдалар. Улар «Афросиёб»даги маданият, хизмат кўрсатиш сифатига юқори баҳо бермоқдалар.

– Бундан тўрт йил аввал ҳам Ўзбекистонга келиб, юртингиздаги ўзгаришлар жараёни, улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлган эдим, – дейди Жанубий Кореядаги Чонбук университети ўқитувчиси Пак Юн Ким. – Бу гал тўрт нафар талабаларим билан саёҳатга келдик. Қисқа вақт ичида мамлакат пойтахти ва Самарқанд шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Айниқса, Самарқандга янги «Афросиёб» тезюрар электропоездида келганимиз тасаввуларимизни бутунлай ўзгартириб юборди. Ушбу замонавий поезддаги юшмоқ ва қулай ўриндиқлар, бир меъёрдаги ҳарорат, телевизор ва компьютерлардан фойдаланиш имконияти йўловчининг ўзини эркин ҳис қилиши ва манзилига қийналмасдан етиб олишини таъминлайди.

Албатта, бундай эътироф ва ҳайратдан юртдошларимиз қалбида эркин ва обод Ватанимиз билан фахрланиш ҳисси жўш уради, унинг тараққиётига ҳисса қўшиш иштиёқи янада кучаяди.

Голиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Бу йил Қонликўл туманидаги 3 та касб-ҳунар коллежини 759 нафар йигит-қиз тугатиб, мустақил ҳаётга йўлланма олди.

БИТИРУВЧИЛАРГА ИШ ЎРИНЛАРИ

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида туман ҳудудидаги корхоналар, ташкилотлар, фермер хўжаликлари, таълим-тарбия ва маданият муассасалари билан уч томонлама шартнома тузилди. Ушбу шартномага мувофиқ битирувчиларга меҳнат дафтарчалари ҳам очилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган битирувчиларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди.

— Туманимизда жорий йилнинг биринчи ярмида 1030 та янги иш ўрни яратилди, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Гавҳар Айтбоева. — Шундан кичик корхоналар томонидан 339 та, уй меҳнати ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 234 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ

«ЎЗБЕК ЗАЙТУНИ» НАВИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

● Изланиш

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Дилором Ёрматова узоқ йиллар давомида мойли экинлар бўйича изланишлар олиб борди. Жумладан, мамлакатимизда соя ўсимлигини етиштириш бўйича илмий-амалий ишлар қилди. У далама-дала кезиб, кўплаб тажрибалар ўтказди. Шунинг учун Дилором Ёрматова деҳқонлар орасида "Соя опа" дея танилди. 2001 йилга келиб, она заминимизда ҳам зайтун етиштириш имкониятларини ўргана бошлади. Бунинг учун тарихий манбаларга мурожаат қилишга тўғри келди.

— "Авесто"ни ўқиб туриб қизиқ маълумотларни билиб қолдим, — дейди биз билан суҳбатда Дилором Ёрматова. — Унда ёзилишича, қадимда олма, нок, хурмо ва бошқа мевали дарахтлар билан бирга зайтун ҳам ўстирилган экан. Тошкент давлат Шарқшунослик институтидан XV асрда яшаб, ижод қилган олим Хоразмийнинг зайтун ва ток парвариши ҳақидаги кичик қўлёзмасини топдим. Унда парвариш ишлари географик жиҳатдан қаерда олиб борилганлиги ҳақида аниқ ёзилмаганди. Афсуски, шу манбадан бошқа аниқ маълумот топилмади. Олим Хоразм ҳудудида ўстирилган ўсимликлар хусусида ёзган бўлса керак, дея XIV-XV асрларда юртимиз ҳудудида ҳам зайтун ўстирилган деган хулосага келдим.

2003 йилда Дилором опа Туркиядан 4 дона зайтун кўчатини олиб келди. Уни Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманига экиб, парваришлай бошлади.

— Ривоят қилинишича, сув босқини пайтида Грециядa омон қолган аҳолига кабутарлар тумшуғида зайтун новдаларини келтириб беришган экан. Одамлар бу новдаларни экиб, мевасидан мой ва овқат тайёрлашган. Шунинг учун ҳам зайтунга "энг биринчи дарахт" дея таъриф берилган. Кейинчалик зайтун ер шарининг субтропик мамлакатларида кенг тарқалган ,— дейди олима. — Олтинсой тумани юртимизнинг энг субтропик зонаси бўлганлиги учун ҳам айнан шу жойни танладим. Кўчатлар 2006 йил апрель ойида гуллади. Сентябрнинг ўрталарига келиб мевалари пишиб етилди. Афсуски, 2007-2008 йилдаги совуқ ҳарорат туфайли кўчатлар нобуд бўлди. Бироқ бундан сираям тушкунликка тушмадим. Чунки тарихчи Геродот Афинада зайтун дарахти форслар томонидан ёқиб юборилган бўлса-да, бироз вақт ўтмай илдизидан янги новдалар ўсиб чиқа бошлаганлиги хусусида ёзиб қолдирганди. Ҳақиқатан ҳам баҳор фаслида ўсимлик илдизидан кўкара бошлади. Қолаверса, ўтган йили бир препарат топдик. Бу модда ўсимликни 15 кунгача қаттиқ совуқлардан асрар экан.

Бугунги кунда юртимизнинг кўпгина ҳудудларида зайтун экиш тажрибаси ўтказилмоқда.

— Тажрибаларимдан маълум бўлдики, зайтун ўсимлиги тупроқ ва жой танламас экан, — дея сўзини давом эттирди Дилором опа. — Ўсимликни ҳатто лалми майдонларда ҳам бемалол ўстириш мумкин. Дастлабки 5-6 йил ичида ўсимликнинг илдизи тупроққа тўлиқ ўрнашиб олгач, тупроқдаги энг кам намликни ҳам ўзлаштириб, сўнг ўсиш ва ривожланишда давом этаверади. Ўсимликни қаламчасидан, уруғидан, бачкиларидан ва пархиш йўли билан кўпайтириш мумкин. Уруғидан кўпайтирилганда 11 йилда, қаламчасидан кўпайтирилганда 4-5 йилда ҳосилга киради. Кўпайтириш вақти февраль ёки сентябрь ойларида амалга оширилади.

Зайтун дарахти 500 йилдан 4000 йилгача яшайди. Сурия, Исроил ва Корсикада 2000 ёшли зайтун дарахтларини учратиш мумкин. Бўйи 10-12 метргача бўлган зайтуннинг меваси октябрь ойи (тўқ қора тусга кирган)да пишиб етилади. Ҳосил яхши пишганда мой миқдори ошади, шунинг учун меваларини теришга шошилмаслик керак. Аммо маринадлашда бироз хомроқ мевалар ишлатилади.

Зайтун мойи инсон организми учун жуда фойдали. Шунингдек, экологик тоза маҳсулот ҳисобланади. Ўрта ер денгизи бўйларида яшовчи аҳоли асосан зайтун мойи истеъмол қилганликлари учун уларда юрак-қон томир касалликлари кам учрайди. Зайтун мойи таркибида саломатликни сақлайдиган юздан ортиқ элементлар мавжуд. Шу боис, буюк ҳаким Ибн Сино кўплаб хасталикларни даволашда фойдаланган.

СУРАТДА: *қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Дилором Ёрматова тажриба майдонида.*

Унинг таркиби 80 фоиз тўйинмаган ёғ кислоталари — олеин, 13 фоиз линол ва 0,55 фоиз линолендан ташкил топган бўлиб, бу моддалар организмда холестерин даражасини камайтиради. Шунингдек, А, Д, К, Е, F ва полифеноллар мавжудлиги боис, атеросклероз, саратон касалликларини камайтиради ва ҳужайраларнинг қариш жараёнини кечиктириб, тери қаватини тиклайди. Зайтуннинг яшил (тўлиқ пишиб етилмаган) меваси таркибида углеводлар, оқсиллар, пектин, куй моддалари, сапонинлар, калий, фосфор, темир тузлари, В ва С витаминлари ҳамда каротин мавжуд. Бу эса ошқозон-ичак ва жигар фаолиятини яхшилайди.

Зайтун сквален моддаси олинадиган ягона ўсимлик ҳисобланади. Ушбу модда қондаги глюкоза миқдорини 12 фоизгача туширади. Бу эса диабет касаллигига даъво демакдир. Шунингдек, зайтун мойи косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришда энг қимматбаҳо хомашё ҳисобланади. Эшитган бўлсангиз керак, ёши улуғларнинг тилида "ироқи совун" деган сўз бор. Қадимда савдогарлар томонидан зайтун мойидан тайёрланган совунлар келтирилган.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ичида Испания зайтун етиштириш бўйича етакчи ўринда туради. Ўзбекистон зайтун етиштириш имкони бўлган энг ёш мамлакатлардан бири. Айни пайтда Сурхондарё вилоятида 20 минг туп, Андижон ва Фарғона вилоятларида 2,5 минг тупдан зиёд зайтун кўчати парвариш қилинмоқда. Энг қувонарлиси, бу янги, яъни "Ўзбек зайтуни" бўлади. Айни пайтда Давлат Нав синаш комиссияси томонидан синовдан ўтказилмоқда.

Соҳиба СОЛИЕВА,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

МАНФААТДОРЛИК ВА РАҒБАТ САМАРАСИ

Самарқанд вилояти

Президентимиз Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригида «Бугунги кунда фермер нафақат деҳқон, айни пайтда ҳам агроном, ҳам иқтисодчи, ҳам механизатор, ҳам ташкилотчи сифатида ўзлигини намоён этаётгани, фермерлик ҳаракати қишлоқ ҳаётининг оғир юкини ўз зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилувчи ижтимоий куч бўлиб майдонга чиқаётгани бизнинг бу соҳада ўз олдимизга қўйган пировард мақсад йўлида қатъият билан бораётганимиздан дарак беради», дея таъкидлаб ўтдилар.

«Ғалаба»нинг 100 центнерлик ғалабаси

Ғаллакорларимиз эришган ютуқлар — 7 миллион 170 минг тонналик улкан хирмонда фермерларимизнинг муносиб улуши бўлди. Энг муҳими, жорий йилда деҳқончилигимиз тарихида илгари учрамаган юксак кўрсаткичлар — юқори ҳосилдорлик барчамизда ҳайрат ва ҳавас уйғотди. Баъзи фермер хўжаликлари ғаллачиликда 100 центнергача ҳосил олишди. Албатта, бу ҳам фермерлик ҳаракатига қаратилган эътиборнинг натижаси эди.

Мана шундай фермер хўжаликлари сафида Ургут тумани "Янгиариқ" агрофирмаси ҳудудидаги "Ғалаба" фермер хўжалиги ҳам бор.

— Фермер хўжалигимизни 2005 йилда ташкил этгандик, — дейди фермер Барно Мамадалиева. – Фермер хўжалигимиз чорвачиликка ихтисослашгани учун асосий майдонимизга озуқабоп экинлар экамиз. Шу билан бирга, шартнома асосида ҳар йили давлатга ғалла ҳам етиштириб берамиз. Жорий йилда мавжуд 72 гектар майдоннинг 22,6 гектарига ғалланинг «Краснодар-99» ва «Таня» навларини эккандик. Натижада эса гектаридан 100 центнердан ҳосил олинди. Режадан ташқари фермер хўжалиги аъзоларига эса 130 тоннадан зиёд дон қолди.

Гектаридан 100 центнер ғалла олишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Хўжалик аъзоларининг аҳиллик билан қилган меҳнати ушбу муваффақиятнинг асосий сабабларидан бири десак, муболаға бўлмайди. Тумандаги 100 центнерчи фермерлардан яна бири «Сайфулла Актам Олтин ҳосили» фермер хўжалигидир.

— Туманимизда аҳоли зич жойлашгани учун аксарият фермерларимизнинг ер майдони унчалик катта эмас, — дейди фермер Актам Сайфуллаев. – Бизнинг тасарруфимизда 13,4 гектар майдон мавжуд. Жорий йилда 6,7 гектар майдонга ғалланинг «Таня» навини эккан эдик. Ҳосил ёмон бўлмади. Жами бўлиб, 67 тонна сара дон олиб, давлат режасини ортиғи билан бажардик. Шартномадан ортган ғалла эса фермер хўжалигимиз аъзолари ўртасида меҳнатига яраша тақсимланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳосилдорлик ошишидан, энг аввало, фермер ва фермер хўжалик аъзолари манфаатдор.

Жорий йилда мамлакатимиз миқёсида ялпи ҳосилнинг 60 фоиздан зиёди ҳоқдиқ чиқаришлари учун кутубхона, овқатланиш, ювиниш хоналари, 30 ўринли ётоқхона мавжуд.

Филиалимиз Японияданд келтирилган компьютер, лаборатория асбоб-ускуналари, электрон кардиография, проектор, ўқув доскаси ва тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган.

Биз тингловчи Хурсанд Бойқобиловни суҳбатга чорладик.

— Мен Деҳқонобод тумани поликлиникасида фельдшер бўлиб ишлайман, — дейди у. — Бир ойлик ўқув жараёнида тиббиётдаги янгиликлардан воқиф бўлдим. Назарий ва амалий машғулотлар жуда қизиқарли, янги педтехнологиялар асосида олиб борилди.

— Чироқчи туманидаги "Пахтазор" қишлоқ врачлик пунктида ишлайман, — дея суҳбатимизга қўшилди ҳамшира Гулрух Тўраева. — Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ўқув хоналарида пухта билим олиб, даволаш профилактика муассасаларида амалий машғулотлар ўтадик.

Ушбу маскан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва шаҳар, туман даволаш профилактика муассасалари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйган. Улар билан тез-тез турли тадбирлар ва семинар-тренинглар уюштириб турилади. Ана шундай пайтларда ўқув жараёни билан боғлиқ муаммолар ва камчиликлар ҳам муҳокама этилади. Педагог ходимларга тингловчиларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли тавсиялар ва услубий маслаҳатлар бериб борилаётганлиги боис, даволаш профилактика муассасаларидаги 72 соатлик ўқув машғулотларининг сифат ва самарадорлигини оширишга эришилди.

Назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш бўйича юқори малакали мутахассислар танлаб олинган. Айниқса, тиббиёт фанлари номзоди Худойқул Махмадалиев, Мамадали Наврўзов, Гулнора Қудратова, Шамил Ўралов, Жўра Маматов, Сарвара Жумаева каби шифокор-педагоглар замон талаблари даражасида юқори педтехнологиялар асосида амалий машғулотлар олиб боришмоқда.

Шунингдек, қизларни ҳаётга тайёрлаш, келгусида уларнинг мустаҳкам оила қуришларига кўмаклашишга қаратилган тадбирлар ҳам ташкил этилмоқда. Бу эса оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни ички иқликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан асраш, она-бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга хизмат қилаётир.

Тингловчиларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштиришда янги ахборот коммуникация ва педтехнологияларнинг, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларининг аҳамияти катта. Ушбу таълим муассасаси замонавий ахборот-ресурс марказига эга. Кутубхонада жами 3120 та китоб бор. Шундан 2528 таси тиббиётга оид бўлса, 592 таси эса бадиий асарлардир. Кутубхона компьютер, телевизор, ДВД видео, ўқув видео кассеталар билан жиҳозланган.

Ҳар йили бу ерда кенг кўламдаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилади. Эрта баҳордан маскан ҳудудида гулзорлар барпо этилади. Сирасини айтганда, филиалда тингловчиларнинг малака оширишлари учун етарли шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бу эса таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё вилояти

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ:

МАЛАКА ОШИРИШ – ДОИМИЙ ТАЛАБ

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 18 декабрда қабул қилинган "Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ҳам ана шу мақсадга хизмат қилаётир. Унинг ижросини таъминлашда ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика маркази Қарши филиалида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Муассасамизда ўтган йиллар мобайнида 50 минг нафардан ортиқ тиббиёт ходимлари 45 та йўналиш бўйича малака оширдилар, — дейди филиал директори Н.Ражабов. — 2011-2012 ўқув йилида 2800 нафардан ортиқ ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларнинг малакасини ошириш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун масканимизда барча шарт-шароитлар етарли.

Жарроҳлик, даволаш, овтолаф (шприцларни қайнатиш), болалар касаллиги, компьютер технологияси ўқув хоналари тингловчилар ихтиёрида. Шунингдек, тингловчиларнинг малака оширишлари ва мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун кутубхона, овқатланиш, ювиниш хоналари, 30 ўринли ётоқхона мавжуд.

Филиалимиз Японияданд келтирилган компьютер, лаборатория асбоб-ускуналари, электрон кардиография, проектор, ўқув доскаси ва тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган.

Биз тингловчи Хурсанд Бойқобиловни суҳбатга чорладик.

— Мен Деҳқонобод тумани поликлиникасида фельдшер бўлиб ишлайман, — дейди у. — Бир ойлик ўқув жараёнида тиббиётдаги янгиликлардан воқиф бўлдим. Назарий ва амалий машғулотлар жуда қизиқарли, янги педтехнологиялар асосида олиб борилди.

— Чироқчи туманидаги "Пахтазор" қишлоқ врачлик пунктида ишлайман, — дея суҳбатимизга қўшилди ҳамшира Гулрух Тўраева. — Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ўқув хоналарида пухта билим олиб, даволаш профилактика муассасаларида амалий машғулотлар ўтадик.

Ушбу маскан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва шаҳар, туман даволаш профилактика муассасалари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйган. Улар билан тез-тез турли тадбирлар ва семинар-тренинглар уюштириб турилади. Ана шундай пайтларда ўқув жараёни билан боғлиқ муаммолар ва камчиликлар ҳам муҳокама этилади. Педагог ходимларга тингловчиларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли тавсиялар ва услубий маслаҳатлар бериб борилаётганлиги боис, даволаш профилактика муассасаларидаги 72 соатлик ўқув машғулотларининг сифат ва самарадорлигини оширишга эришилди.

Назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш бўйича юқори малакали мутахассислар танлаб олинган. Айниқса, тиббиёт фанлари номзоди Худойқул Махмадалиев, Мамадали Наврўзов, Гулнора Қудратова, Шамил Ўралов, Жўра Маматов, Сарвара Жумаева каби шифокор-педагоглар замон талаблари даражасида юқори педтехнологиялар асосида амалий машғулотлар олиб боришмоқда.

Шунингдек, қизларни ҳаётга тайёрлаш, келгусида уларнинг мустаҳкам оила қуришларига кўмаклашишга қаратилган тадбирлар ҳам ташкил этилмоқда. Бу эса оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни ички иқликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан асраш, она-бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга хизмат қилаётир.

Тингловчиларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштиришда янги ахборот коммуникация ва педтехнологияларнинг, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларининг аҳамияти катта. Ушбу таълим муассасаси замонавий ахборот-ресурс марказига эга. Кутубхонада жами 3120 та китоб бор. Шундан 2528 таси тиббиётга оид бўлса, 592 таси эса бадиий асарлардир. Кутубхона компьютер, телевизор, ДВД видео, ўқув видео кассеталар билан жиҳозланган.

Ҳар йили бу ерда кенг кўламдаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилади. Эрта баҳордан маскан ҳудудида гулзорлар барпо этилади. Сирасини айтганда, филиалда тингловчиларнинг малака оширишлари учун етарли шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бу эса таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бу йил вилоят бўйича 12400 нафар болаларни дам олдириш режаси белгиланган эди.

ОРОМГОҲГА КЎЧГАН ШОДЛИК

Шундан 5200 нафари вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига, 7200 нафари вилоят халқ таълими, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан уюштирилиши кўзда тутилган. Айни пайтда болаларни дам олдириш учун 9 та шаҳар ташқарисидаги, 96 та ихтисослаштирилган интернатлар, кундузги мактаб ва коллежлар қошида оромгоҳлар фаолият юритяпти.

Бугунгача халқ таълими ва вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармалари томонидан 124 та мактаб ва коллежлар қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳларда жами 9408 нафар болажонлар мароқли дам олишди.

Шаҳар ташқарисидаги 9 та оромгоҳда бу йилги мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда айни пайтда меҳнаткашларнинг 3085 нафар фарзандлари биринчи ва иккинчи навбатларда мароқли дам олишди. Оромгоҳларнинг учинчи ва тўртинчи навбатларида 956 нафар болажонлар сўлим оромгоҳларда дам олмоқда.

Бундан ташқари, вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва ҳомийлар томонидан ҳам кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари воҳамиздаги сўлим оромгоҳларда соғломлаштирилмоқда.

Чори ЖУМАКУЛОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

"Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги "Озерный" магистрал коллекторида таъмирлаш-тиклаш ишлари".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи (ҚҚСсиз) 1 095 927 218 сўм; **ишларни тугатиш муддати** 12 ой.

Буюртмачи: Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уй. Тел: 239-15-56.

Қурилиш ишларини молиялаштириш мелиорация жамғармаси **маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

Савдо ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқароликмуомала ҳуқуқий лаёқатга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 18-уй 311-308 хоналар. тел: 241-15-26, 241-15-32, факс: 241-15-37.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 150 000 (бир юз эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охири муддати — оферталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри Истиқлол кўчаси 29-уйда ўтказилади.

Кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига!

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Наманган вилояти Чуст тумани Чуст шаҳри М.Фаёзов кўчасидаги суд ижроси бўлимига маъмурий бино қуриш.

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан 239 659 696 сўм, ҚҚСсиз 199 716 413 сўм.

Якунлаш муддати – 4,5 ой.

Буюртмачи: Наманган шаҳри Ш.Шерозий кўчаси пр 3 5-уйда жойлашган Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси

Тел.: (8-369) 233-03-71, факс 233-49-04.

Лойиҳани молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси Адлия уюшмаларини ва судларни ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:

Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматларни) таъминлаш бўйича танлов таклифлари берилганда хориж товарларини етказиб берувчилар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлганини инобатга олган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдорини берилган таклифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси**га қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри Ш.Шерозий кўчаси пр 3, 5-уйда, тел.факс: (8-369) 233-03-71, 233-49-04 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи – 80 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри Ш.Шерозий кўчаси пр 3 5-уйда.

АГРОМАШ

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ВТ-150, ВТ-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Фермерлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш идоралари раҳбарлари диққатига!

ДИҚҚАТ, КЎСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ ЯНГИ ВА САМАРАЛИ БИОЛОГИК ВОСИТА!

"Уруғ-Инвест" Ўзбекистон-Сербия қўшма корхонаси кўсак қуртига қарши юқори самарали ВИРИН ХСК биологик воситасини таклиф қилади. Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, зараркунандалар табиий қушандалари ва ўсимлик чанглатувчиларига мутлақо зарарсиз. Ушбу восита ғўза, маккажўхори ва бошқа экин далаларидаги кўсак қуртига қарши 7-10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва 1-2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.

Маҳсулот сертификатланган ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигида фойдаланишга рухсат этилган пестицидлар ва агрокимёвий воситалар рўйхатига киритилган.

Батафсил маълумот учун: www.semena.uz
(+ 998 90) 920-32-99, (+ 998 90) 920-29-74; факс: (8-371) 234-62-45.
Манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. Боғишамол кўчаси 8-уй.

«ТОШКЕНТВИЛОЯТУЛГУРЖИСАВДО» МЧЖ

таъсисчиларини 2012 йил 24 август куни соат 10-00 да ўтказиладиган умумий йиғилишига таклиф этади.

Кун тартиби:
1. Бош директорнинг 2011 йил якунлари бўйича ҳисоботи.
2. Корхона низом фондини ўзгартириш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқиш.
3. Корхона ҳудудида қўшимча қурилиш ҳақида.
4. Мунтазам таъсисчилар умумий йиғилишида қатнашмайдиган таъсисчиларни таъсисчилар рўйхатидан чиқариш ҳақида.
5. Турли масалалар.

Манзил: Тошкент шаҳар Сергели-4 Қипчоқ кўчаси 56а уй.
Телефон: 258-72-56, 257-10-66.

"O'ZO'QUVLOYIHA" МЧЖнинг Устав фонди 4 948 674 сўмдан 3 299 116 сўмгача камайтирилади. Манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. Ниязбек йўли кўч., 6. Тел.: 241-58-20.

ООО "SAODAT" (ИНН 200807911), Мирабадского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. Банокотий 305, сообщает об изменении уставного фонда с 36 000 000 сум до 3 000 000 сум.

ООО "E'ZOZ FILM" (ИНН 207153360), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимята Чиланзарского р-на г. Ташкента (реестр № 007974-08, 6.06.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Гулистон-2 д. 58А, ликвидируется (Протокол № 2 от 19.07.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

ЧП "DIODORA IMAGE" объявляет об уменьшении уставного фонда с 1 344 410 сум до 50 000 сум имуществом (согласно решения № 2 от 16.07.2012 г.).

ООО "MAKDIL CONSULT" (ИНН 302095901) ликвидируется в добровольном порядке. Требования и претензии кредиторов принимаются в письменной форме в течение двух месяцев со дня опубликования настоящего объявления по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н кв-л 1 д. 57 кв-ра 25.

ООО "GEODIS PLYUS" (ИНН 300362579), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимята Чиланзарского р-на г. Ташкента (№ 007295-08 от 02.02.2011 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Чиланзар 2, 28-13, 14, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 19.07.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 176-87-75.

ООО "FATHULLA-O'LMAS" (ИНН 201702156), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимята Шайхантахурского р-на г. Ташкента (реестр № 09-00785/1 от 02.09.2010 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Мушкин д. 72, ликвидируется (протокол № 3 от 19.07.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРҲИ томонидан (16.05.2012 й., реестр № 00390807) рўйхатга олинган, Ҳамза т. Қурувчилар кўч. 39-уй 16-хонадан мансулида жойлашган "SHAXINA BONU EKSKLYUZIV" МЧЖ (ИНН 302303704) тугатилади (Ўзини-ўзи тугатиш тўғрисидаги 17.07.2012 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 1 ой муддатда 495-61-21 тел. орқали қабул қилинади.

"SOHIBAXON" (ИНН 302313763) кўсусий корхонасининг (Тошкент ш. Юнусобод т.) мақоми "SOHIBAXON" оилавий корхона деб ўзгартирилади.

"SAR-MAR-BAXT" МЧЖ (Тошкент ш. М.Улуғбек т.) Устав фондининг 156 000 000 сўмдан 12 000 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

ООО "CONTEMP BUILDINGS", объявляет об уменьшении Уставного фонда с 320 933 244,3 сум до 271 478 271 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. С.Машходий 2 тупик д. 8.

ЧП "SARATON-HILTON" (ИНН 206723467), зарегистрированное ИРСП Юнусабадского р-на г. Ташкента (реестр № 002202-10, 20.07.2006 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н 19 кв-л д. 2, ликвидируется (решение собственника № 1 от 10.07.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 334-17-76.

Утерянные план, договор купли-продажи дома, расположенной по адресу: г. Ташкент Шайхантахурский р-н 2-ой проезд Хирмий д. 7, выданный БТИ Шайхантахурского р-на на имя Файзиевой Анастасии Дмитриевны, считать недействительным.

Тошкент ш. Миробод т.даги "STAR CONTINENT SERVICE" (ИНН 301943843) МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "HAPPY CHOICE" (ИНН 302238144), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимята Шайхантахурского р-на г. Ташкента (реестр № 005819-09 от 15.03.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Навоий 42, ликвидируется (на основании решения № 2 от 19.07.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»:

УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ ИЗЧИЛ ИЖРОСИ

ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ, ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Тоҳир Исатов (ЎзА) олган сурат.

Президентимиз шу йилнинг 15 июнь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида муҳим бўлган масала – умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш ҳамда айни пайтда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш вазифаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ҳа, ёшлар келажак эгалари. Тараққиёт давомчилари, яратувчилари. Уларни қўллаб-қувватлаш тараққиётни қўллаб-қувватлаш демак. Иқтисодиётимизда бир соҳа борки, уни ҳам худди ёшларга менгзаш мумкин. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидир. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида ушбу соҳанинг аҳамияти ниҳоятда катталигини барчамиз яхши биламиз. Ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан биридир.

"Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқаришга, молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларигача банк сармоясини киритиб, аҳоли фаровонлигини оширишни мақсад қилган банк жамоасининг ёш тадбиркорлар билан учрашувлари, малакали мутахассисларнинг тавсиялари, тажриба ва амалиёт уйғунлиги, энг муҳими, фоизи кам кредитлардан унумли фойдаланиш борасидаги фикрлар ёшларда тадбиркорликка бўлган қизиқишни орттирмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони талабларидан келиб чиқиб, банк томонидан таълим муассасаларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам жорий йилнинг ўтган ойларида бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, ҳудудларда кўргазмали семинарлар ташкил этилди. Битирувчилар, тадбиркорликка қизиқиши бўлган ёшларга бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича банк сертификатлари топширилди. Ёш тадбиркорларнинг маҳсулотлари, хизматлари намойиш этилди. Жорий йилда тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида битирувчиларга 5,4 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Умуман олганда, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг олти ойида 104,9 миллиард сўм миқдорида сармоялар йўналтирилди. Олти ой давомида ажратилган жами кредитлар миқдори эса 183,1 миллиард сўмни ташкил этди. Энг муҳими, ушбу маблағлар ҳисобига республикамизда 52 минг 500 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

"Микрокредитбанк" ташкил этилганидан буён ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада ёшларга 94 миллиард сўм миқдорида маблағлар йўналтирилди.

Бу жараёнда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан амалга ошириб келинаётган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда "Менинг бизнес ғоям" танлови ташкил қилингани ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – ЎзЛиДеП билан ҳамкорликда олий таълим муассасаларини битираётган ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини кучайтириш мақсадида ташкил этилган "Диплом билан бизнесга" номли лойиҳа натижасида бугун кўпгина йигит-қизлар ўз бизнесини яхши йўлга қўйиб олган.

Қўрғонтепа индустриал-педагогика коллежи битирувчиси Сарвиноз Иминова "Диплом билан бизнесга" лойиҳасида иштирок этиб, "Микрокредитбанк"нинг мижозига айланди. Банк томонидан ажратилган 3 миллион 100 минг сўм кредитга тикувчилик цехи ташкил этиб, 14 та иш ўрни яратди.

Мингбулоқ агросаноат колледжи битирувчиси Холидахон Шарипова эса ўзи ишлаб чиққан бизнес режасига кўра, қандолатчилик корхонасини очди. Бунда унга банк томонидан берилган 3 миллион сўмлик сармоя қўл келди. Энг муҳими, у уч нафар тенгдошини ҳам ёнига олди.

Банкнинг янги хизмат турларидан бири – "Келажак учун интеллектуал сармоялар" деб аталади. Келинг, шу ўринда кредитнинг мазкур тури ҳақида фикр юритсак. Аввало, шуни айтиш керакки, мазкур сармоя болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга йўналтирилгани билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Яъни кредит боланинг отаонаси, яқин қариндошларига уларнинг олий ўқув юртларига киришга тайёргарлик кўришлари, ўқув марказларида билим олишлари, чет тилларини ҳамда компьютер саводхонлигини ўрганишлари, спорт билан шуғулланиш ва касб-хунар ўрганишлари учун кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлашга берилади. Ушбу кредитлар энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, бир ярим йил муддатга мўлжалланган.

Асқар Ёқубов (ЎзА) олган сурат.

Ажратилган микрокредитлар (млрд. сўм)

"Микрокредитбанк"нинг ёшларга молиявий хизмат кўрсатиш бўйича етакчи ўринда эканлиги халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётир. Жумладан, жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари Амстердам шаҳрида (Голландия) бўлиб ўтган "Ёшларнинг молияларини ривожлантириш ташкилоти"нинг биринчи Халқаро Саммити ва тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикасининг "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ёшларга молиявий хизматларни кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда эканлиги, шунингдек, болалар ва ёшларни молиялаш каби йўналишларни ташкил этаётган биринчи банк сифатида эътироф этилган. Шунингдек, "Микрокредитбанк" ОАТБ апрель ойида пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари бўйича "BankExpo – 2012" миллий кўргазмаси доирасида ўтказилган танловда "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Булар бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур молия муассасаси, юқорида таъкидланганидек, ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қилябти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашмоқдалар.

Шу йилнинг 2 июль куни Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви MIX-MARKET агентлиги "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки фаолиятини яна бир бор "беш олмос" даражасида баҳолаб, махсус сертификат тақдим этди. Банкнинг бир қатор халқаро анжуманларда "Ўзбекистоннинг энг яхши банки" дея эътироф этилаётганлиги, Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида энг яхши 100 банки сафига киргани ва "5 олмосли банк", "Барқарор" банк дея баҳоланганлиги мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасидандир, албатта. "Микрокредитбанк"ка ижтимоий йўналишлардаги "MikroFinanzaRating" компанияси (Италия) халқаро қабул этилган "ᵊBB" меъёрларига мувофиқ "Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоллиги юқори бўлган банк" деган ижтимоий рейтинг тақдим этди. Бунинг ҳам ўзига хос сабабларидан бири – "Микрокредитбанк" ўзининг аҳоли учун таклиф этаётган маҳсулотлари – яратаётган замонавий хизматлари билан мамлакатимиздаги яратувчиликни кенгайтиришга, фаровонликни оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Мустаҳкам оила йилида банк "Оила фаровонлиги учун" деб номланган хизматлар мажмуасини тақдим этмоқда. Банкнинг мазкур янги хизматлари жисмоний шахсларга мўлжалланган бўлиб, оила учун ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар яратиш, оилалардаги фарзандларнинг замонавий, илғор кишилар бўлиб улғайишларига кўмаклашиш, оилалар ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга тижорат банклари томонидан сармоялар йўналтирилмоқда.

Шу ўринда банкнинг оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратаётган эътиборига назар ташлаб ўтсак. Банк замонавий хизмат турлари билан оилаларнинг барча эҳтиёжларини қамраб олишга ҳаракат қилмоқда. Қишлоқда истиқомат қилаётган аҳоли учун томорқа хўжалиги муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Томорқа эгаларига иссиқхоналар ташкил этиш, ерга ишлов бериш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун ҳам ана шундай сармоялар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Президентимиз халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ўқувчиларни касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида сўз юритар экан, қиз болаларнинг коллежларда ўқиши масаласида шундай дея таъкидлаб ўтдилар, коллежда ўқиб, аниқ касб-ҳунар эгаси бўлиш, биринчи навбатда қиз бола учун зарур. Қўлида ҳунари бор қиз эртага бировга қарам бўлиб қолмайди, ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оиласини тебратишга, фарзандларини баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшади. Бу, ўз навбатида, ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда қандай муҳим аҳамиятга эга эканини кимгадир исботлаб беришнинг ҳожати йўқ.

Банк томонидан Юртбошимиз белгилаб берган вазифалар изчил амалга оширилиб келинмоқда. Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида ўтказилган семинарда ҳам айни шу масалага эътибор қаратилди.

Семинарда ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига яратган маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. Пироварлида, "Микрокредитбанк" томонидан ўзининг пухта бизнес-режасига эга бўлган 20 нафар коллеж битирувчисига замонавий тикув машиналари, 5 нафар битирувчига бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича банк сертификатлари ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

– Тикув машинаси ажратилгани айни муддао бўлди, – дейди Оқтош тадбиркорлик ва сервис коллежини шу йил битирган Адолат Ўктамова. – Ёшлигимдан тикиш-бичишга қизиқардим. Эндиликда уйда ўз бизнесимни бошлаш имконияти туғилди.

Адолат сингари кўплаб қизлар банкнинг мадади билан мустақил тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганликларини кўриш мумкин.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг жойлардаги ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлмоқда.

miX

Microfinance Information Exchange, Inc.
Certificate of Transparency

This certificate recognizes:
Mikrokredit Bank of Uzbekistan
for achieving 5 Diamonds on the MIX Market
Improving the transparency, quality and reliability of microfinance information

Mārten Leljon
Executive Director

Шу йилнинг 2 июль куни Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви MIX-MARKET агентлиги "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки фаолиятини яна бир бор "беш олмос" даражасида баҳолаб, махсус сертификат тақдим этди.

Ҳотам Маҳмадалиев (ЎзА) олган сурат.

Президентимиз таъкидлаганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт. Бу жараёнда ёшларнинг, баркамол авлоднинг иштироки, ташаббуси муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бугунги ёшлар эртанги тараққиётимиз эгаларидир. Банк мадади билан ўз орзуларига эришаётган кўплаб ёшларнинг шижоати эса бошқаларга ўрнак бўлади.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Навоий – (8-366) 921-50-08; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 800-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА
Мусаҳҳих: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-714, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.35 16180 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4